



2020 у « 8 » июнь

№ Қ-255

« » 20 г

**Жарқўрғон тумани “Оқтепа” массиви
“Олтинтепа” маҳалласи худудидан
“ABUBAKR-BOZORI” МChJга чорва моллари
бозори қуриш учун ер майдони ажратиш
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5,87-моддаларига ва Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги “Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 253-сонли қарорига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармонига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 13 апрелдаги 03-02/200-сон йиғилиш баёни, Жарқўрғон тумани ҳокимининг 2020 йил 16 мартдаги 44/05-29-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 13 апрелдаги 03-02/200-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Жарқўрғон тумани “Оқтепа” массиви “Олтинтепа” маҳалласи худудидан “ABUBAKR-BOZORI” МChJга чорва моллари бозори қуриш учун туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 47қ-дала контуридаги 1,0 гектар яйлов ер майдонини ижарада фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “ABUBAKR-BOZORI” МChJ чорва моллари бозори қурилиш ишларини 2020 йилнинг якунига қадар таъминласин.

4. “ABUBAKR-BOZORI” МChJ чорва моллари бозори қурилиш ишларини 2020 йилнинг якунига қадар таъминланмаган тақдирда мазкур қарор ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. “ABUBAKR-BOZORI” МChJ чорва моллари бозорининг тозалик куни ҳафтанинг чоршанба куни этиб белгилансин.

6. “ABUBAKR-BOZORI” МChJ чорва моллари бозорининг иш тартиби ҳафтанинг пайшанба куни соат 5⁰⁰ дан 12⁰⁰ гача ва ундаги савдо ўринлари сони 200 та этиб белгилансин.

7. “ABUBAKR-BOZORI” МChJ чорва моллари бозори қуриш учун ажратилаётган жами 1,0 гектар яйлов ер майдони учун қишлоқ хўжалигида ишлаб

чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 13 384 860 (ўн уч миллион уч юз саксон тўрт минг саккиз юз олтмиш) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳисоб рақам: 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами (4014108609224013450717186)га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

8. Жарқўрғон туман ҳоқимиға (З.Давлатов) “АВУБАКР-БОЗОРИ” МChJ билан биргаликда мазкур қарорға асосан МChJнинг камида 51 фоиз улушини Жарқўрғон тумани ҳоқимлиғига ўтказиш бўйича жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишини ўтказиш ва таъсис ҳужжатларига ўзгартириш киритиш юклатилсин.

9. Вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Жарқўрғон туман ҳоқимлиғи (З.Давлатов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботиға тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

10. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳоқимининг ўринбосари А.Сувонкулов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳоқими



Т.Боболов